Уруш йилларида асосий фронт орти ишчиларининг ўртача ойлик маоши 300-500 рублни ташкил этди. 1943 йил октябрдаги маълумотларга кўра, барча иттифок наркоматлари ишчи-ходимлардан 100 рублгача маош олувчилар 7,85%ни, 100 дан 300 гача 29,8%ни, 300 дан 500 гача 30,2%ни, 500 дан 700 гача 19,9%ни, 700 дан 100 гача 9,4%ни, 1000 дан 1500 гача 2,4%ни, 1500 рублдан ортиқ маош олувчилар 0,2 %ни ташкил этди¹². Аммо берилаётган ойлик маоши деярли ҳаражатларни қопламас эди. Уруш йилларидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, ишчининг етарли бўлмаган маошга меҳнат қилишининг қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин эди:

Биринчидан, уруш йилларида (ундан кейинги йилларда ҳам) вояга етган, меҳнатга лаёқатли фуқаро меҳнатга мажбур эди. Ишсиз шахслар маъмурий ва жинсий жавобгарликка тортиларди.

Иккинчидан, ишчи учун карточка нормалари кўринишида барқарор таъминот таъминланарди.

Учинчидан, ишчиларга полизчилик билан шуғулланишга ер участкалари ажратилар эди.

Ушбу мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган нормалардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга имконияти етмас эди. Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, уруш йилларида ишчилар маошининг ўсиши

¹⁰ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3265-йиғма жилд, 61-варақ.

¹¹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. 197-бет.

¹² Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II Всероссийской научной конференции / под ред. Г. А. Гончарова, С. А. Баканова. Челябинск: Энциклопедия, 2012. 500-бет.

хаёт даражасини белгилашда иккиламчи кўрсаткичлар эканлиги кўрасатиб ўтишимиз мумкин.

Пул қадрининг ва аҳамиятининг пасайиши бутун иқтисодиёт тизимидаги айирбошлаш даражасига таъсир этди. Давлат ва колхоз микёсида ўзаро савдо пул шаклида эмас, асосан бартер шаклида олиб борилган. Ҳосил йиғими ёки экиш даврида давлат колхозларга маълум қишлоқ хўжалиги маҳсулотига айирбошлаш шарти билан саноат товарлари, бўғдой, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда уруғлик етказиб берган. Бу ҳолатга мисол сифатида 1942 йил 2 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 332-сонли қарори билан республика колхозларига жунга айирбошлаш шарти билан 10000 тонна ва гўштга айирбошлаш шарти билан 5000 тонна уруғлик бўғдой ажратилди¹³.

Республика қишлоқ аҳолисининг саноат маҳсулотлари билан таъминланиши даражаси жуда қониқарсиз ҳолатда эди. 1944 йилда ўтказилган текширувлардан маълум бўлишича, саноат маҳсулотлари асосан район марказларида қолиб кетиб, қишлоқ жойларига етиб бормаган¹⁴. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли саноат товарлари карточкалари билан таъминланмасди. Шунинг учун улар асосан шаҳарлардаги чайковчилик бозорларидан саноат маҳсулотларини харид қилганлар. Чайковчилик бозорларида нархлар жуда қиммат бўлиб, саноат товарларини сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етмасди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун халқ хўжалиги ва аҳолининг бутун иқтисодий имкониятлари урушни молиялаштиришга йўналтирилди. Уруш йилларида бюджет даромадларининг камайиши ва харажатларнинг ошиши собиқ Иттифок молия тизими балансини ўзгартирди. Уруш ҳарбий харажатларнинг ўсишига ва давлат бюджетининг асосий қисмини мудофаа мақсадларига йўналтиришга олиб келади. Уруш туфайли қисқарган бюджет даромадлари аҳолига солиқ ва бошқа иқтисодий мажбуриятларини кўпайтириш орқали қопланди. Бу эса ижтимоий соҳаларга ажратилган бюджет маблағлари камайтирилди.

Уруш йилларида давлат иқтисодиётида юзага келган муаммолар бевосита аҳоли турмуш тарзида салбий таъсир ўтказди. Ижтимоий ҳимоянинг камайиши, пул инфляцияси ва қимматчилик шароитида аҳолининг ҳаёт сифати даражаси қисқарди. Бундай мураккаб шароитларда Ўзбекистон аҳолиси минимал даражада ўз эҳтиёжларини қондиришга мажбур бўлди. Ҳамда ўзининг мураккаб шароитларга чидам-бардоши ва матонатор меҳнати билан фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшди.

¹³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3265 йиғмажилд, 237-варак.

¹⁴ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310 йиғмажилд, 64-варак.

Х. БАБАДЖАНОВ**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
АҲОЛИСИ МОДДИЙ АҲВОЛИГА ТАЪСИР ЭТГАН
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКТОРЛАР**

Ушбу мақолада мавжуд адабиётлар ва архив хужжатлари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисининг умумий моддий ҳолати, унинг ижтимоий ҳаётига таъсир этувчи факторлар ёритилиб, пул инфляциясига оид маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: иқтисодиётни ҳарбий изга ўтказиш, ишлаб чиқариш баланси, таъминот тизими, ойлик маоши, инфляция, ижтимоий таъминот.

Х. БАБАДЖАНОВ**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯВШИЕ
НА МАТЕРИАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ
УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ**

В этой статье на основе имеющейся литературы и архивных документов описывается общее материальное состояние населения Узбекистана, факторы влиявшие на его социальную жизнь, анализируются данные, касающиеся денежной инфляции в годы Второй мировой войны.

KH. BABADJANOV**SOCIO-ECONOMIC FACTORS INFLUENCED UPON
MATERIAL CONDITION OF THE POPULATION
OF UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR**

This article describes general material state of Uzbekistan's population, factors influencing its social life, analyses the data dealing with inflation during World War II on the basis of available historical resources and archive documents.

*Манба ва талқин***АЛИШЕР ШАЙДУЛЛАЕВ****“АВЕСТА”ДА МИТРА ОБРАЗИ**

“Авеста”нинг ўзбек тилига таржима қилиниши Ўзбекистонда авесташунослик фанининг янада ривожланишига туртки бўлди¹. Тарих ва фалсафа фанларида янги илмий йўналишлар пайдо бўлди. “Авеста” ва моддий маданият², “Авеста” ва илк давлатчилик³, “Авеста” ва чорвачилик⁴ мавзулари бўйича туркум макола ва монографик тадқиқотларнинг туғилиши фикримиз далилидир.

Европада, жумладан Россияда ҳам “Авеста” тарихи, ёзуви, тили, фалсафаси бўйича мукаммал тадқиқотлар олиб борилган⁵. Зардуштийлик Ўрта Осиёда яратилган ва Шарқда кенг тарқалган дин даражасига кўтарилган энг қадимги дин бўлиб, унинг амаллари ва фалсафаси ҳозирги динларга ҳам таъсир қилган. У дунёвий дин бўлиши билан бирга миллийликка ҳам дахлдордир. Ундаги айрим амалларни Ўрта Осиёликлар англамаса, бошқа халқ вакиллари ёки олимлари тушунишлари мушкулроқдир. Шу маънода ўзбек авесташунослик фанида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор илмий тадқиқотлар борки, у мазкур динни, “Авеста”ни янада ёрқинроқ ўрганишга, ёритишга хизмат қилади.

¹ «Авесто» Яшт китоби. М. Исҳоков таржимаси. Тошкент, Шарқ, 2001; «Авеста». Видевдат. М. Исҳоков таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2008; «Авесто» Адабий-бадий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001. 384 бет.

² Шайдуллаев Ш.Б. Сополли маданиятининг пиктографик белги-ёзувлари // Ўзбекистонда ижтимоий фикр. 2003. № 2. 35-38-бетлар; Шайдуллаев Ш.Б. «Авеста» ва моддий маданият // O'zbekiston tarixi. 2004. № 3. 5-11-бетлар.

³ Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O'zbekiston tarixi. 2002. № 3. 3-10-бетлар; Шайдуллаев Ш.Б. «Авеста» ва илк давлатчилик // Жамият ва бошқарув. 2004. № 4. 42-43-бетлар.

⁴ Абдолниёзов Б, Исҳоков М. Авеста ва қадимги чорвачилик. Тошкент, 2008. 93-бет.

⁵ Justi F. Der Bundehesch. Lpz., 1868. P. 1-20; M.Dhalla. Zoroastrian Civilization. New York, 1922. P. 107; Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch-doctor?. Leiden, 1951. P. 143; Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. Leiden-Koln, 1982, P. 305; Gnoli G. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, 2) // Bibliotheca Persica Press. New York, 2000. P. 210-228; Е.А. Дорошенко. Зороастрийцы в Иране (Историко-этнографический очерк). М., Наука, 1982. 133 бет; Бойс М. “Зороастрийцы. Вера и обычаи”. М., “Наука”, 1988. 303 бет.

М. Исохоков “Яшт” ва “Видевдат”ни ўзбек тилига ўгиргандан сўнг, Европа олимлари томонидан қилинган, 21 та наскдан иборат “Авеста”нинг тузилишида (стратиграфияси) бир қатор жузъий камчиликлар яққол кўзга ташланиб қолди. Жумладан, “Яшт”да иккита алқов бевосита қуёшга, қуёш худосига бағишланган. Бири Хуршед Яшт (Қуёш алқови) бўлса, иккинчиси Митра алқови (Меҳр яшт) дир⁶. Албатта, буни таржима давомида М. Исохоков ҳам сезган, чунки Хуршед Яштдаги қуёш худосига бағишланган бир парчани Митра алқовидан кириб қолгандек деб изоҳ беради⁷.

Яштнинг таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Митра алқови хронологик жиҳатдан кейинги даврларда битилган ва асарга қиритилган. Бундай хулоса қилишнинг биринчи сабаби, икки алқовнинг бир худога бағишланиши асарнинг тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмунан ҳам тўғри келмайди. Иккинчидан, тадқиқотчиларнинг умумий фикрларига кўра Яшт “Авеста”нинг энг қадимги қисмидан бири ҳисобланади, аммо Митра алқовида географик номларнинг аниқ берилиши, жумладан Гава Сугда, Моурд (Марв), Хоразм атамаларининг келтирилиши, мазкур алқовнинг кейинги даврларда ёзилганлигини кўрсатади.

Албатта, Ахурамазда зардуштийликда бош худо. Аммо, “Авеста”нинг кейинги даврларда битилган наскларида Митрага ҳам Ахурамаздага хос бўлган сифатларнинг берилиши, у билан тенг қўйилиши мулоҳаза ва муҳокама қилинадиган ҳолатлардан биридир. Негаки, иккихудолик, бадий тил билан айтганда иккита ижобий бош қахрамон пайдо бўлиб қолмоқда. Митра “Авеста”да Ахурамазда билан⁸, “Ригведа”да эса Варуна билан бирга⁹, эгизак худолар сифатида ифодаланган.

Митра “Авеста”да *Miura*, “Ригведа” эса *Mitra* кўринишида ифодаланган. “Шартнома”, “қелишув”, шартнома ғояси билан боғлиқ афсонавий шахс, қуёш худоси сифатида қуйланган.

“Авеста”да Митранинг шартномачилик, яъни инсонлар, мамлакатлар ўртасида тузилган битимга итоат этишга ундаши, унинг энг асосий функцияси эканлиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Митрани яратган Ахурамазда Заратуштрага айнан шу ҳақда гапиради: “шартномага амал қилмаган қаллоблар мамлакатни ҳалокатга олиб келади” дейилади. Қимгаки сўз берсанг, битимга содиқ бўлгил, у қаззобми, ғайридинми,

⁶ “Авесто” Яшт китоби. М. Исохоков таржимаси. 35-37, 47-71-бетлар.

⁷ “Авесто” Яшт китоби. М. Исохоков таржимаси. 37-бет.

⁸ Thieme P. *Mitra and Aryaman*. New Haven, 1957.

⁹ Dumytil G., *Mitra-Varuna. Essai sur deux representations indo-européennes de la souveraineté*. P., 1948.

ёки ақли пастми, барибир — ваъдангда тургин. Чунки, битимнинг бажарилишида икки шахс ҳам масъулдир. Қаллоб ҳам, ҳақгўй ҳам сўз ва битим олдида тенгдир¹⁰. “Яйловлари кенг Митра сўзини оқлагувчиларга чопқир отлар бағишлайди, тўғри йўллар кўрсатади” деган тушунча мавжуд бўлган.

Яштнинг X. 45 наскида “Митранинг саккизта дастёри саккизта тепаликда ўтириб, ҳар томонга назар ташлаб, ўз сўзига амал қилмай, шартномани бузганларни кўриб, сезиб туради ва ажратиб олади” деган тушунчани берган.

Митра нафақат ижтимоий, балки табиат қурувчисидир. У гоҳида сув худоси – Апам-Напат билан бирга ифодаланса, баъзида кенг яйловлар ато этувчи, сув билан таминлагувчи, унинг марҳамати билан ёмғир ёғадиган ва яйловлар сувга тўлади, ўсимликлар баркираб ўсади (X. 61), у инсонларга ҳаёт бағишловчи, ўғлонлар бергувчи, тилакларини бажо келтирувчи (X. 65). Митра уй, аёл, аравалар билан таминлагувчи (X. 30), бойлик, бахт, соғлиқ ато этгувчи, аждодларни давом эттирувчи (X. 108). Митра тўкин сочинлик худоси Ардвисура Анахита ва Рашн - Сраош билан бирга Чинват кўпригида инсонларни суд қилувчи худо сифатида ҳам ифодаланади («Яшт» X. 41; XIII. 95).

“Авеста” мифологияси бўйича Митранинг куёш худоси эканлиги анча яширин кўринишда ифодаланган, аммо осмонот дунёсини яратувчи, тартибга солиб турувчи эканлиги аниқ, шундай бўлсада, унинг куёш сингари чараклаб туриши (X. 44), яркироқлик сифатлари қуйланган («Яшт» X. 142, 143; «Видевдат» 19. 28). Митра Мазда яратган борлиқларни сергаклик билан кўриқлайди ва назорат қилиб боради (X. 95, 141).

“Ригведа”да Митрага берилган сифатлар “Авеста”даги таърифларга жуда ўхшайди. У шартномада учинчи иштирокчи, кузатувчи, веда мифологияларида инсонлар ўртасидаги шартнома билан боғлиқ худо, куёш худоси сифатида таърифланади. “Ригведа”да ҳам битта гимн тўлиқ Митрага бағишланган (III. 59). Унда таърифланишича Митра коинот дунёсини тўлдириб, ер ва куёшни ушлаб, ҳаракатларини тартибга солиб туради (IV. 13, 2), икки дунёни кўриқлайди (III. 59, 8). Куёш – Митра ва Варунанинг кўзи (VI. 51, 1; VII. 61, 1). Бутун борлиқни кўриб тургувчи, от, арава, асал, сома, елинлари сутга тўла сигирлар билан, яйловларни ёмғир (сув) билан таъминлагувчи (V. 64, 3). Белгилаб қўйилганки, Митра дўстлик худоси (I. 21, 3), у одамларга меҳрибон, уларни ҳимоя қилади ва бойлиқлар келтиради. Митранинг асосий вазифаси – инсонларни

¹⁰ «Авесто» Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Тошкент, Шарқ, 2001. 47-бет.

бирлаштириш (III. 59, 1, 5; VII. 36, 2) ва улар ўртасидаги шартномаларнинг бажарилишини кузатиб турувчидир.

“Авеста”нинг энг қадимги Гат қисмида Митра номи умуман эсланмайди. Хаттоки, Ахурамазданинг энг яқин ёрдамчилари Амеша Спента-ларнинг каторида ҳам Митра учрамайди, у нуфузи пастрок, язатлар каторидан жой олган.

Мумкинки, Митранинг халқ орасида обрўси ниҳоятда баланд бўлганлиги туфайли у зардуштийлар таквимида жой олган. Худоларни алқаш, уларга атаб назрлар қилиш оyi Митра номи билан аталган. У куз фаслининг сентябрь-октябрларига тўғри келадиган еттинчи, бағаядиш (Вага) ойидир¹¹. Заратуштра ислохатидан сўнг Митранинг уруш худоси сифати ҳам олинган. Аммо унинг тавроктоник сифатлари, яъни ўлдирилган ҳўкизнинг қонидан ўсимликлар дунёсининг, ҳосилдорлик, инсонларга куч-қувват бахш этувчи куч сифатида сақланиб қолган¹².

Зардуштийликнинг дин сифатида халқаро нуфузининг ошишида Аҳамонийлар империясининг ўрни ниҳоятда катта бўлган. Империя ҳукмдорларининг Митрага итоат қилганлиги тадқиқотлар давомида аниқланган¹³. Артаксеркс II ва III битикларида Митранинг Ахурамазда ва Ардвисура Анахита билан бирга эсланиши фикримиз далилидир. Ундан ташқари Ксенофонт Кир II нинг Митрага топинганлиги хусусида, Ктесий эса форс ҳукмдорларининг Митрага атаб борлиқлар ҳада этганлигини, Курций Руф ўз асарларида Доро III нинг Митрага, куёшга, доимий оловга сиғинганлиги ҳақидаги маълумотларни қолдирганлар¹⁴.

Келтирилган маълумотлардан шу нарсa аниқ бўлмоқдаки, “Авеста”га Митра образи бадий жихатдан анча қийинчилик билан, кейинги даврларда киритилган. У гоҳида бош худо Ахурамазда билан тенг қўйилади, гоҳида амаллари пасайтирилган ҳолатда тасвирланади, гоҳида матнларга мажбуран киритилгандек, умумий матнга мос келмай турган жойлари ҳам бор¹⁵.

Бизнинг фикримизча, бу ҳолатнинг бош сабабларини Зардушт ислохотларидан излаш керак. Негаки, Митра Зардушт давригача Марказий Осиё халқларининг бош худоси вазифасини ўтаб келган. Бу фикр ёзма

¹¹ Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. СПб., 1998. 554-557-бетлар.

¹² Campbell L., Typology of Mithraic tauroctones, Berytus, 1954, t. 11.

¹³ Frye R., Mithra in Iranian history // Mithraic Studies, v. 1-2, Manchester, 1975.

¹⁴ Кошеленко Г. Б., Ранние этапы развития культа Митры // Древний Восток и античный мир, М., 1972, С. 75-84; Belardi W., Studi mithraicе mazdei, Roma, 1977.

¹⁵ “Авесто” Яшт китоби. М. Исҳоков таржимаси. 37-бет.

манбалар мисолида ҳам ўз тасдиғини топади. Митра ҳақидаги энг қадимги маълумотлар ҳиндоарий халқлари манбаларида сақланиб қолган. Жумладан, Митанни ҳукмдори Шаттивазнинг Хеттлар билан шартномаси (мил.ав. II минг йилликнинг ўрталари) худолар Митра, Варуна, Индра ва эгизаклар Насатъя номлари билан тасдиқланган¹⁶.

Ўрта Осиёликларнинг, жумладан массагетларнинг диний эътиқодлари бўйича Геродот куйидаги маълумотларни келтиради “худолардан улар фақат куёшни улуғлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар. Отни қурбонлик қилишнинг маъноси шундаки, ҳамма худолардан энг чаққонига чаққон хайвон муносибдир” деб ҳисоблайди (18, 115).

Ўтказилган тарихий тадқиқотларда ҳам Митра Марказий Осиё халқларида Зардуштийлик давригача бош худо вазифасини бажарганлиги тасдиқланади¹⁷. Дин тарихи бўйича етук мутахассис В.Н. Топоров ҳиндоэроний қабилаларда мил.ав. III минг йилликдан то I минг йилликнинг ўрталаригача Митра бош худо вазифасини бажариб келган деб ҳисоблайди¹⁸. Е.Е. Кузьмина ҳам ўз асарларида бу қарашларни қўллаб-қувватлайди ва Митранинг худо сифатида шаклланишини Евроосиё минтақасида кенг тарқалган Андроново маданияти кўчманчилари эътиқодлари билан боғлайди¹⁹. Ҳар иккала тадқиқотчи ҳам “Митра” ҳиндоевропача сўз эканлигини, “mi”, “mei” ўзакларидан келиб чиққанлигини²⁰, воситачи, алмаштирувчи (осмонот дунёсида куёшни ва ойни), қонуният, келишувчи маъноларини англатишини эътироф этишган²¹.

¹⁶ Кузьмина Е.Е. Образ Митры в искусстве степей Евразии, Индии и Ирана во II – нач. I тысяч. до н.э. и лингвистические данные // Культуры Степной Евразии и их взаимодействие с древними цивилизациями (Материалы международной научной конференции, посвященной 110 лети со дня рождения М.П. Грязнова). Книга 1. СПб, 2012. 127-134-бетлар.

¹⁷ Сулейманов Р.Х. Дрейний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в.до н.э. – VII в.н.э. - Самарканд-Ташкент, 2000. 227-234-бетлар.

¹⁸ Топоров В.Н. Митра // МНМЭ. Т.2. 1988. С. 154.

¹⁹ Кузьмина Е.Е. Образ Митры в искусстве степей Евразии, Индии и Ирана во II – нач. I тысяч. до н.э. и лингвистические данные // Культуры Степной Евразии и их взаимодействие с древними цивилизациями (Материалы международной научной конференции, посвященной 110 лети со дня рождения М.П. Грязнова). Книга 1. СПб., 2012. 127-134-бетлар.

²⁰ Топоров В.Н. Митра // МНМЭ. Т.2. 1988. 157-бет.

²¹ Мифы народов мира. Энциклопедия в двух томах. Второе издание. Том 2. К-Я. 1988. Издательство «Советская Энциклопедия». 1982. 174-бет.

Меъморчилик обидалари мисолида ҳам Митранинг Марказий Осиёда Зардуштийликкача бўлган даврларда бош худо вазифасини бажарганлиги тасдикланади. Ўрта Осиёда Куёш этикоди жуда қадимдан, яъни энеолит давридан мавжудлиги оташкадалар мисолида ўз ечимини топган²². Бронза даврига оид Даштли²³, Аркаим²⁴, илк темир даврига оид Таллашкон²⁵ ёдгорликлари куёш кўринишида қурилган. Жарқўтон ибодатхонасида жами 8 та алтарнинг жойлашганлиги унинг куёш худосига атаб қурилганлигини тасдиқлайди²⁶.

Бронза даврида Ўрта Осиёда Митра бош худо сифатида кенг тарқалганлиги глиптикага оид манбаларда ҳам кузатилади²⁷. Бактрия ва Марғиёнанинг бронза даврига оид муҳр ва туморларида энг кўп тарқалган глиптик белги куёш тасвиридир. У жуда кўп муҳрларда чарақлаб, нур сочиб турган, бошқа муҳрларда эса доира ва ундан нур таралаётган, учинчи ҳолатда эса нур сочиб турган куёш ва баркираб ўсаётган ўсимликлар дунёси ифодаланган²⁸.

Митранинг рамзи – доира ичида ифодаланган хочдир²⁹. У энг қадимги осмонот дунёси тимсоли. Хочнинг тўртта учи куёшнинг йиллик йўлидаги тўрт нуктага мос келади, яъни икки тенг кунлик ва энг узок куёшли кун ва узок тунлардир. Хоч дунёни тенг тўртта, яъни тўрт фаслга бўлиб туради. Археология фанида Афғонистоннинг бронза даврига оид ноаник ёдгорликларидан жами 1802 та муҳр ва туморлар топилган бўлиб, аксариятида Митра образи ва куёш тасвири туширилган³⁰. Жану-

²² Ширинов Т.Ш. Алтари огня из храма Джаркутана ... 69-79-бет.

²³ Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. М., 1977.

²⁴ Васильев Л.С. Протогосударство - чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. М., 1981, №6. 157-175-бетлар; Крадин Н.Н. Вожество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. М., 1995. 11-61-бетлар; Зданович Д.Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. Челябинск, 1997. 79-82-бетлар.

²⁵ Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент: А. Кадири, 2000. 128-бет. Ушбу китоб немис тилига тўлиқ таржима қилинган. Қаранг: S

²⁶ Ширинов Т.Ш. Алтари огня из храма Джаркутана – памятника эпохи развитой бронзы юга Узбекистана // ИМКУ. Ташкент, 1990. Вып. 23. 69-79-бетлар.

²⁷ Sarianidi V. Myths of Ancient Bactria and Margiana on its Seals and Amulets. М., 1998. P.335, 1802 fig.

²⁸ Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданияти глиптикасида илонлар образи // Ўзбекистон археологияси...

²⁹ Глоба Павел. Живой Огонь. М., 2006. 65-87-бетлар.

³⁰ Sarianidi V. Myths of Ancient Bactria and Margiana on its Seals and Amulets. М., 1998. P. 335, 1802 fig.

бий Туркменистоннинг бронза даври ёдгорликларидан эса 219 та муҳр ва туморлар топилган. Улар ҳам мотив жиҳатидан Афғонистон муҳрларини такрорлайди³¹.

Доира ва унинг марказида ифодаланган хоч образи, яъни Митранинг рамзи Сополли ва унга турдош бўлган маданиятлар пиктографиясида ҳам энг кенг тарқалган белгилардан биридир³².

Куёш билан боғлиқ кейинги тасвир бургутлардир. Мифологияда бургутлар осмон ҳукмдори сифатида талқин этилади ва куёшга менг-залади³³. Энг заҳарли ҳайвон - илонни ўлдириши мумкин бўлган бургут, лайлак ва лочинларга Ўрта Осиё ва Эрон халклари мифологиясида ижобий сифатлар берилган ва “куёш маъбудлари”, “куёш қушлари” дея аталган³⁴.

Бронза даврининг энг машҳур Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан кўплаб бургут тасвири туширилган муҳр ва туморлар топилган³⁵. Улар қанотларини кенг ёзган, тумшуги боши баробар ёнбошга қараган, мағрур ҳолатда тасвирланган.

Келтирилган ёзма, археологик ва глиптик манбалар асосида шундай ҳулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиё халклари жуда қадимдан, энеолит давридан бошлаб куёшни илоҳий билган. Унга атаб алтарлар ясаган, яшаётган уйларини, ибодатхоналарини, истехкомларини куёш шаклида қурган. Тақинчокларга, туморларга, муҳрларга куёш тасвирларини ва Митранинг символларини туширган.

³¹ Sarianidi V. Myths of Ancient Bactria and Margiana on its Seals and Amulets... P. 335.

³² Шайдуллаев Ш.Б.. Ўғирдаги битиклар ёхуд ёзувнинг пайдо бўлишига доир муҳим янгилик // Тафаккур. 2004. № 4. 56-57-бетлар; Чориев З.У., Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши тўғрисида айрим мулоҳазалар // Жайхун. 2005. №2; Чориев З.У., Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараккиёти. Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 96-бет; Аскарлов А. Сополли маданияти пиктографик ёзув белгиларини ўқишдаги дастлабки изланишлар / Марказий Осиё халклари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. 5 сон, Тошкент, 2013. Аскарлов А.А., 2013. Была ли пиктографическая письменность в культуре Сапалли (находки, гипотезы, предположения) / Согдийский сборник, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2013. 43-58-бетлар.

³³ Бидерман Г. Энциклопедия символов. М., Изд. Республика, 1996. 247 бет.

³⁴ Зароастрийские тексты. Бундахишн – “Сотворение основы”. М., 1997. 265-311-бетлар.

³⁵ Аскарлов А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. Ташкент, 1983; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Т., 1977. 209-бет; Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Ташкент, ФАН, 1973; Kaniuth K, Gruber M, Kurbangaliev A, Sachs F, Sajdullaev A, Makki M, Biro P. “Tilla Bulak – 2009 Vorbericht zur dritten Kampagne” Archaeologische Mitteilungen aus Iran un Turan. Band 42. Berlin, 2010.

Куёшни илоҳий билишдан ташқари аждодлар руҳига ибодат, зоолат-рик диний қарашлар, космогоник, девларни эъзозлаш³⁶ каби эътиқодлар ҳам кенг тарқалган бўлсада, бош худо вазифасини Митра бажарган. Бундай катъий фикрга келишимизга сабаб, бронза даврида Жанубий Ўзбекистон (Жаркўтон), Жанубий Туркменистон (Тўғолок, Гонур) ва Шимолий Афғонистон (Даштли) ҳудудларида қад кўтарган монументал ибодатхоналар айнан куёш худосига бағишлаб қурилган.

Заратуштранинг жамият тараққиёти, умуминсоният олдидаги буюк хизмати шундаки, у юқорида эслаб ўтилган кўп худоликка барҳам берди, ягона инсонпарварлик ғоялари асосида ўз таълимотини яратди. Бош худо Митра ўрнига Маздани кўкларга кўтарди, аммо Митрани халқ қалбидан бутунлай ўчира олмади. У зардуштийларнинг тақвимларида, Геродот маълумотларига кўра кўчманчи-чорвадор массагет қабилаларининг асосий эътиқоди сифатида сақланиб қолаверган. Митранинг худо сифатида қайта тикланишида Аҳамоний шаҳаншоҳларнинг, айниқса Артаксеркс II ва III ўрни катта бўлган, илк марта у ўз битикларида Митрани Ахурамазда ва Ардвисура Анахита билан бирга ифодалаган. Мумкинки, шу даврдан бошлаб Митра “Авеста”га кириб кела бошлаган.

А. ШАЙДУЛЛАЕВ

“АВЕСТА”ДА МИТРА ОБРАЗИ

Мақолада Митра Марказий Осиё халқларининг энг қадимги худоларидан бири бўлганлиги археологик манбалар асосида кўрсатиб берилган. Митра образи “Авеста”нинг энг қадимги Гат қисмларида учрамаслиги, кейинги даврларда битилган нассларда эса ҳар хил образларда битилган.

Калит сўзлар: Митра, зардуштийлик, авеста, Қадимги Шарқ, Бактрия-Марғиёна, муҳр, глиптика.

³⁶ Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореф. дисс. ... док. ист. наук. Самарканд, 2009.

А. ШАЙДУЛЛАЕВ

ОБРАЗ МИТРЫ В «АВЕСТЕ»

В статье на основе археологических источников рассматривается образ Митры как один из самых древних богов народов Центральной Азии. Образ Митры не получил отражение в древнейших частях “Авесты” (Гаты), но в более поздних насках получил различную трактовку.

A. SHAYDULLAYEV

IMAGE OF MITHRA IN “AVESTA”

The article which based on archaeological sources considers the image of Mithras as one of the most ancient gods of the peoples of Central Asia. The image of Mithra was not reflected in the most ancient parts of the “Avestu” (Gats), but in later it received a different interpretation.

А. ОТАХЎЖАЕВ

АРАБ ИСТИЛОСИ ДАВРИДАГИ
РАСМИЙ ЁЗИШМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Сугднинг илк ўрта асрлар даври тарихига оид ҳужжатларнинг катта қисми Араб халифалиги истилоси даврига (651-750) тўғри келади. Бу давр оид расмий ёзишмаларини шартли равишда: 1) сулҳ битимлари ёки шартномалар; 2) маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро ички ёзишмалари; 3) ҳукмдорларнинг хорижий давлатларга йўллаган мактаблари турларига ажратиш мумкин. Ёзишмаларда кўпроқ харбий ҳолатдаги сиёсий вазият ўз аксини топгани боис, уларнинг биринчиси томонларнинг вакиллари томонидан тузилган бўлса; иккинчиси, чопарлар орқали бир вилоятдан иккинчи вилоятга етказилган ва учинчиси элчиликлар орқали хорижга юборилган.

Сулҳ битимлари ёки шартномалар. Улар уруш ҳолатида кенг қўлланилиб, бу томонларнинг ўзаро келишувлари ҳисобланади. Жумладан, 674 йилда Хуросон ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд (673-675) Ромитон ва Пойкентнинг ярмини эгаллаб¹, Бухоро маликаси Қабаж Хатун (670/671 – 693/695) билан битим имзолаган. Унга кўра, Бухоро Маликаси душманга катта миқдорда ўлпон тўлаши ва икки минг (Наршахийда тўрт мингта)² камондозни асир қилиб бериши шарт эди³. Малика бир йил ўтар-ўтмас, Хуросоннинг янги ноиби Саид ибн Усмон (675-677) билан ҳам битим тузишга мажбур бўлган бўлса-да, унга Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузилган аввалги битимни эслатган. Бироқ Саид ибн Усмон янги шартларини илгари суриб, аввалги битим шартларини инкор этган. Янги сулҳда Бухоро аслзодаларидан эллик (Наршахийда 80та) нафар ўспирин гаровга берилиб, 300 минг дирҳам ўлпон тўланиши белгиланган. Саид ибн Усмоннинг 676 йили Самарқандда имзолаган битимида ўттиз минг асир ва Бухорода бўлгани каби элликта аслзода гаровга олинган. Шундан

¹ История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. Ташкент: Фан, 1987. 40-44-бетлар.

² Қаранг: Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. // Мерос туркуми. Тошкент: Камалак, 1991. 115-б. Бизнингча, Табарий келтирган маълумотлари асосли кўринади.

³ Бу мохир камондозлар 55 (674-673) йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд Басра шахрига ноиби этиб тайинлангач, унинг шахсий гвардиясини ташкил қилган. Қаранг: Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. London, 1923. 17-б.

сўнг Саид ибн Усмон Марвга қайтган⁴. Бу битимлар ғолиб томоннинг мағлуб томонга ўз шартини ўтказганлигини кўрсатади.

Баъзида Араб халифалиги ноиблари ўз манфаатларини илгари сурган. Масалан, Чағониён подшоши Тиш билан сулҳ тузган Қутайба ибн Муслим (705-715) ўз укаси Солиҳ ибн Муслимни Термизга ноиб этиб тайинлаган⁵. 706 йилда Қутайба сулҳ имзолаш йўли билан Бадғис ҳокими Низак Тархонга ислом динини қабул қилдириб, унга исломий Абул Хайёж номини берган. Қутайба кўп ҳам ўзидан олдин тузилган битимларни тан олмаган. Хусусан, у Пойкентни эгаллагач, Бухоро маликаси билан бўлган келишув шартларини бузиб, шаҳар аҳлининг мол-мулкини, чокарларнинг қимматбаҳо қурол-аслаҳани мусодара қилган. Ўлжани бир қисмини ўз аскарларига бўлиб бериб, бир қисмини Марвга жўнатган⁶.

Хуросон ноибларининг Бухоро ва Самарқандда имзолаган сулҳлари ёзма шакли қандай бўлганлигини Қутайбанинг 712 йили Самарқандда Суғд ихшиди – ҳукмдори Ғурак билан имзолаган “Самарқанд шартномаси” орқали англаб олиш мумкин. Шартноманинг арабча аслини ал-Куфий, форсча таржимасини Баламий келтириб ўтган⁷. Унинг 1-бандига кўра, Ғурак Қутайбанинг ҳимоясида эканлиги шarti кўйилган; 2-бандда тўланадиган 2 000 000 дирхамнинг 200 000 дирхамини ва уч минг қулни тўлаш белгиланган; 3-бандда суғдийларнинг арабларга, хусусан амир Қутайбага итоаткор бўлиши айtilган; 4-бандда Ғурак Қутайбага шартлашганларни тўлаши мажбурлиги қайд этилган; 5-бандда келишув асосида бир қул икки юз дирҳам ҳисобланиб, бошқа нарсаларнинг баҳоси олтин ва кумуш қийматида келтирилган; 6-бандда Ғурак ҳиёнат қилмаса Қутайба унга қарши чора қўлламаслиги шартлашилган; 7-бандда Ғуракка қим қарши чикса, Қутайба Ғуракка ёрдам беришни зиммасига олган; 8-бандда Қутайба онт ичиб, Ғуракка Самарқанд, Кеш ва Насаф бошқарувини ишониб топширган. Ғуракнинг узукдаги муҳрини тан олган; 9-бандда араблар Ғуракка қаршилиқ қилмаслиги; 10-бандда Ғуракдан сўнг ҳокимият унинг ўғлига мерос қолиши таъкидланган.

⁴ История ат-Табари. 44-47-бетлар; Наршахий. Бухоро тарихи. 116-117-бетлар; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М.: Наука, 1970. 200-бет.

⁵ История ат-Табари. 113–114-бетлар; Наршахий. Бухоро тарихи. 120-б.; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1990. – 11-б.

⁶ История ат-Табари. 115–117-бетлар. Наршахий. Бухоро тарихи. 120-бет; Vaissière de la È. Histoire des marchands sogdiens. Paris: Collège de France, 2004. 241–242-бетлар.

⁷ Қаранг: Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. (Договор арабского полководца Кутейбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г.) // КСИВАН. 1960. Вып. XXXVIII. 69–70-бетлар.

Шартномага 14 киши (барчаси араблар) гувоҳлик бериб, Қутайбанинг котиби Собит ибн Абу Собит томонидан 94 йилда (712 йил) ёзилганлиги қайд этилган⁸. Нима учундир бу ҳужжатнинг бошқа нусхаси суғдийда ҳам тайёрланмаган, аммо сулҳ битими араб муншооти асосида шакллантирилиб, “*Бисмиллоҳ*” калимаси билан бошланган. Муншоатларга ва расмий ёзишмаларни юритиш меъёрларига хос гувоҳларнинг иштироки қайд этилган. Бу расмий ёзишма ёки ҳужжатларни тузишда гувоҳлар иштирокини кўрсатиб ўтиш анъанаси Суғдда ҳам мавжуд бўлган. Айни вақтда бу битимга расмийлик мақомини ва қонунийлик тусини берган. Қолаверса, бу битим ҳам худди аввалги ноиблар билан тузилган битимлар каби мазкур ноиб (айни Қутайба) давридагина ҳақиқий ҳисобланиб, кейинги ноибларга янги битимлар тузиш учун йўл очиб бераверган. Маҳаллий ҳукмдорлар эса ҳар бир янги ноиб билан янги битим тузишга мажбур бўлган.

Ўртадаги сулҳга кўра, Ғурак шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлган. Қутайба Самарқандга муовини Абдуллоҳ ибн Муслимни қолдириб, ўзи Марвга жўнаган⁹. Яна нотенг битими шартларига кўра, бир вақтнинг ўзида Ғурак арабларга 2 млн. дирҳам тўлаши, 3 минг ўспиринни куликка топшириши, оташхона – ибодатхоналардаги бутларни, бутун бойликларини арабларга бериши ҳамда йилига яна 200 дирҳам товон тўлаб туриши керак бўлган. Самарқандликлар ўз шаҳарларида мусулмонлар учун масжид қуришлари ҳамда Самарқандда Суғд қўшинларини тутиб турмасликлари шарти қўйилган. Шу шартлар эвазига Қутайба Ғуракнинг “Самарқанд ва унга тегишли ерлари ҳамда Кеш ва Нахшаб шаҳарлари, қалъалари” устидан ҳокимлигини таниб, шаҳарда араб қўшинларини қолдиришга эришган¹⁰.

Табарий, ал-Куфий ва Баълабийларнинг маълумотига кўра, битим имзолангач, қуролсиз Ғурак Қутайбани отининг олдида тушиб, уни шаҳар дарвозасигача кузатиб қўйган¹¹. Бу Суғд ихшиди учун таҳкир саналган. Бу даврда ҳукмдорнинг қуролсиз юриши Суғд давлатчилиги анъаналарга зид ҳолат ҳисобланган.

⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 208-209-бетлар.

⁹ История ат-Табари. 141–142-бетлар.

¹⁰ Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712) / Ankara Universitesi Dil va Tarih Gôgrafiya dergisi. Cilt VI. № 4. 387–430-бетлар; Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. – С. 69–79; Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // Эпиграфика Востока. 1954. Вып. IX. 55–64-бетлар.

¹¹ Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712). 387–430-бетлар; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 209-210-бетлар.

Кутайбанинг Ғурак билан шартлашуви, аввалги истилочиларининг асосан ўлжа, ўлпон, асирлар ва гаровгирларга қаратилган битимидан фарқланиб, бевосита давлат бошқаруви анъаналарига дахл қилган. Чунки аввалги шартномаларда араблар кейинги юришлар учун замин ҳозирлашган¹².

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сулҳларга маҳаллий ҳокимлар доим ҳам амал қилинмаган. Айниқса, суғдийларнинг турклар билан иттифоқчилиги чоғида бу ҳолат рўй берган. Қолаверса, арабларнинг ўзлари ҳам битим шартларини бузишган. Хусусан, Саид Хараший ҳижрий 104 (722/723) йилда Кеш испехбоди Вик билан тузган шартномадаги 10 минг (6 минг) асирнинг айримлари бозорларда “ким ошди”га сотилиб, бир қисми ўлдирилган¹³. Бу ҳаракатлар нафақат битим бандларига балки ислом аҳкомларига ҳам зид саналган. Қолаверса, Кутайба, Саид Хараший каби ноиблардан аввал ва кейин тузилган шартномалар ўз кучини йўқотган, дейиш мумкин.

Араб истилоси даврида имзоланган нотенг шартномалар то 715 йилгача асосан ўлжаларни қўлга киритиш, тўлов ёки ўлпонлар ундиришга қаратилган. Хусусан, Бухоро маликаси – Қабаж Хотун ва Убайдуллоҳ ибн Зиёд ўртасида 674 йилдаги шартномада, бир миллион дирҳам товон пули ва қўллаб асирлар (аксарияти жангта яроқли моҳир камончилар) талаб этилган. Саид ибн Усмон ва самарқандликлар битимида Суғддан 700 минг дирҳам ўлпон ва аслзодалардан иборат асирлар ундирилган. Хуросон ноиби Салм ибн Зиёд (Абу Ҳарб) (61–63 /680–682) томонидан юборилган ал-Мухаллабнинг Хазараспни қамал қилиб, маҳаллий ҳокимлар билан тузган битимида, 20 миллиондан зиёд (!) (дирҳам) киймати кўрсатилган. Лекин бу тўлов ярим баҳодаги тайёр маҳсулотлар, қуллар, отлар, ошланган тери, газлама бўлиб, натижада жами киймат 50 млн. дирҳамга етган. Бу каби шартномалар арабларнинг кейинги юришларга замин ҳозирлаган. Биргина Пойкентда ҳижрий 87 (705/706) йилда араблар қўлга киритиб, сўнг эритиб олган тилла буюм ва зебу-зийнатларнинг миқдори, у 150 минг мисқол олтинни ташкил этган. Бу рақамлар мисолида Хуросон ва Мовароуннаҳр кўламидаги миқдорни тасаввур қилиш мушкул эмас¹⁴.

Маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро ички ёзишмалари. Бу турга Бухоро Суғди валеаҳди Туғшоданинг онаси Малика Қабаж Хотун томонидан араб истилосига қарши курашда ёрдам сўраб турк хоқони ва

¹² Отаҳўжаев А. Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Т.: Atriflex, 2011. 141–б.

¹³ История ат-Табари. 189–190, 245-бетлар; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 265–б.

¹⁴ Отаҳўжаев А. Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. 141–б.

Суғд подшосига юборган чопари мисол бўла олади¹⁵. Бизга мактубнинг асл мазмуни маълум бўлмаса-да, чопар турк хокони ва Самарқанд ҳукмдори билан учрашиб, Маликанинг номасини етказган. Чунки орадан ўн кун ўтиб, хоконлик ва Самарқанддан ёрдамчи кучлар етиб келган. Қолаверса, Маликанинг чопари ҳокон ва ихшидга номанинг нафақат ёзма қисмини, балки “оғзаки қисми”ни ҳам етказган. Бошқа бир ўринда Кеш ҳокими Суғд ихшиди Тархунга нома йўллаб, у кешликларни Хуросон ноиби Абдуллох ибн Хазимнинг (683/684-691/692) исёнкор ўғли Мусо талонидан халос этишни сўраган. Тархун ўз вазифасини адо этиб, Мусо кўшинларини мағлубиятга учраган. Тархуннинг шартига кўра, Мусо Суғдни тарк этиб, Тохаристонга ўтаган ва қаршиликсиз Термизшоҳдан Термиз шаҳариғи тортиб олган. 689-704 йилларда у Термиз атрофларида талончилик қилган. Фақатгина Тархуннинг кучи билан 704 йилда исёнчи Мусо бартараф этилган¹⁶.

Айни пайтда аввалига Қутайбага иттифокчи бўлиб, кейинчалик унга қарши борган Бадғис ҳокими Низак Тархоннинг Балх испехбодига, Марверруд ҳукмдори Базамга, Талликон шоҳи Сехрикка, Фарёб¹⁷ ҳукмдори Турсулга, Жузжон шоҳи Жузжонийга мактуб йўллаши ва уларни Қутайбага бўйсунмасликка чақириши ўзаро ички ёзишмалар моҳиятини очиб беради. Бу ҳолат маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро ички ёзишмалари қай даражада самара берганлиги исботлайди.

Ҳокимликларнинг ички ёзишмалар Муг тоғи архив ҳужжатларида ҳам учрайди. А-14 ҳужжатида кўра, 712-713 йилларда араб истилосига қарши Турк хоконлиги, Шаркий Суғд (Панч вилояти), Чоч ва Фарғона коалиция тузилган. Суғд томонидан бу иттифокқа Панч ҳокими Самарқанд тахтига “даъвогар” Деваштич бош бўлган. У ўз чопари Фатүфарнни уч нусха нома билан Чочга юборган. Фатүфарн боргунга қадар Фарғона вакили ва (Шаркий) Турк хокони (ёки вакили) Чочда бўлган. Номаларнинг бири Чоч тудуни Мохэду (Баҳодир)га, бошқалари Фарғона тутуғига топширилган¹⁸. Ўша давр ҳарбий ҳолатидан келиб чиқиб, ёзма

¹⁵ Наршахий. Бухоро тарихи. 115-б.; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. 9-бет.

¹⁶ Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. М.: Наука, 1964. Т. II (2). 242-б.

¹⁷ Фарёб – Кеш (Шахрисабз) якинидаги йирик кишлок.

¹⁸ Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. В.А. Лившица. М.: ИВЛ, 1962. 77-91-бетлар (кейинчалик СДГМ II); Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. / СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2008. 84-97-бетлар; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 228–236-бетлар; Исмоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. 5-б.;

номадан ташқари, элчи ёки чопар янада муҳимроқ оғзаки маълумот ҳам етказган кўринади.

Бундан ташқари, Ғурак ҳам кўшнилари билан алоқани узмаган. У Табарийга кўра, Кутайба Самарқандга юриш бошлаган 712 йилда Ғурак Чоч (Шош) ҳукмдори ва Фарғона ихшидига: *“Агар араблар бизни енгса, сизларни ҳам бизнинг куйга солади, шу боис ҳеч бўлмаса ўзларингиз учун ҳаракат қилинглار”*,¹⁹ - деган мазмунда нома йўллаган. Аммо бундай мураккаб шароитда нафақат душман билан, балки ўзаро алоқаларни йўл қўйиш ҳам осон кечмаган. Чунки тахликага тушган ҳокимлар, истаган пайтда душманга ён босиши мумкин эди. Уларни тинчлантириш мақсадида Деваштич, В-18 ҳужжатида келтирилгандек, *“турклардан ҳарбий ёрдам келаётгани”* ва *“иттифоқчилар билан имзоланган шартномалар”* тўғрисида хабарлар ёзиб турган²⁰. Бу ҳужжатлар расмий мазмунда битилган ва бир неча нусхада тайёрлангани боис, архивда сақланган қисми бизгача етиб келган.

Ҳукмдорларнинг хорижга йўллаган мактублари. Самарқанд қўлдан кетиб, Кутайба билан шартномага эришган Ғурак имконият туғилиши билан арабларга қарши курашни давом эттирган. 719 йилда ўз иттифоқчилари Бухоро бухорхудои Туғшода ибн Будун ва Қоратегин ҳукмдори Нурайан билан бирга Хитой императори (Тан сулоласи императори Сюан-цзун / Ли Луи-цзи (712-756))га ҳарбий ёрдам сўраб илтимоснома мактубларини йўллашган. Аммо араблар ҳам Суғднинг Хитой билан азалий алоқасидан бохабар эди. Шу боис, 651 йилдаёқ ўз элчилигини Хитойга юбориб, бу давлатни ўз ҳарбий ҳаракатларидан хабардор қилган. Улар элчилар орқали 34 йилдан бери учта халифа давлатни бошқараётганини маълум қилган. Бу билан улар Хитойни арабларнинг Мовароуннаҳрга нисбатан юритаётган сиёсатига аралашмаслигидан огоҳ қилган. Кейинчалик араблар 712 йилда Самарқанд қўлга киритилгач, 713/714 йил оралиғида ўз элчиларини Хитойга юбориб, Мовароуннаҳр маркази эгалланганлигини хитойликларга маълум қилган. Бу хабар Хитойнинг Мовароуннаҳрнинг ички ишларига энди аралаша олмаслигини англатарди. Хуросон ноиблари 716, 725, 728, 729 ва 733 йилларда ҳам узлуксиз Хитойга элчиларини юбориб²¹, минтақадаги вазиятни ўз фойдаларига ҳал қилишга эришган. Гарчи шундай бўлса-да, маҳаллий ҳукмдорларнинг Хитойдан ёрдам сўраши, уларнинг сўнгги умидлари

¹⁹ История ат-Табари. 149-б.

²⁰ СДГМ II. 123–126-бетлар; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. 132-136-бетлар.

²¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 200-201-бетлар.

сифатида баҳоланиши мумкин. Қолаверса, бу мактаблар ўша давр дипломатик ёзишмаси сифатида ҳам муҳимдир.

Шундай бўлса-да, маҳаллий ҳукмдорлар Хитойдан ёрдам кутган. Мактубларнинг муншоат қисми айнан ўхшаш. Бунини “Таншу” солномасида келтирилган мактублар мазмунидан кузатса бўлади. Мактублар “Еттинчи Кай-юань йили (719 йил)нинг иккинчи йилида” Кан ҳукмдори Улега (Ғурак) ва “Ан (Бухоро) ҳукмдори Дусаботи (Тукаспадак/Туғшода)”дан келганлиги айтилади. Суғд ихшиди ва бухорхудо императорни ўзларидаги вазият ва арабларга қарши кураш жараёни билан таништириб, ундан ёрдам сўрашган. Императорга совға-саломлар юборишгани айтилган²².

Бу мактублар орқали Суғд ихшиди ва бухорхудо императорнинг ўз мулкларидаги вазиятни назорат қилиб турганини, аммо араблар тажаввузи авж олаётганини англаш мумкин. Қолаверса, ҳижрий 101 (719/720) йилда алифа Умар II фитна қурбони бўлиб, Аббосийлар ва Умавийлар ўртасида кураш бошланган эди. Бу вазиятни Ғурак озодлик кураши учун қулай фурсат деб, билган. Бундан олдин у бухорхудо Туғшода, Кумед (Қоратегин) ҳокими Нурайан билан бирга 719 йил феввалида Хитой императорига арабларга қарши курашда ҳарбий ёрдам сўраб нома йўллаган эди²³. Жумладан, бухорхудо ўз мактубида, араблар босқинига қарши ёрдамга туркашларни юборишни ва биргаликда ҳаракат қилиш манзили ҳақида, Кумед (Қоратегин) ҳокими юрт бойликларини араблар ташиб кетаётганлиги ҳусусида, Ғурак эса, 35 йилдан бери арабларга қарши урушаётгани борасида ёзиб, императордан ҳарбий мадад сўрашган. Ҳатто Ғурак “араблар қуввати нари борса юз йилга етиши” тўғрисидаги башоратни ҳам эслатган²⁴. Э. Шаванн фикрича, Ғурак ва бошқа ҳокимлар томонидан Хитойга юборилган мактуб 718 йилда йўлланган. Бироқ мактуб 719 йил санаси билан хитой манбаларида қайд этилган. Бизнингча, мактуб ҳақиқатдан ҳам 718 йилда ёзилган, лекин мактубни чопар 719 йилдагина Хитойга етказиб борган. Бунга сабаб Суғддан чиқиб кетишнинг мураккаблиги бўлган. Фатүфарн каби бу чопар ҳам вазиятни ўрганиб,

²² Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V-XI асрлар. Тошкент: Фан, 2014. 46-48-бетлар.

²³ История ат-Табари. 174-бет; Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. Ташкент: Фан, 1965. 69-бет; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 200, 213-бетлар; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. 203–205-бетлар.

²⁴ Бу даврда халқ орасида 100 (718/719) – йилда “араблар қудрати интиҳо топади” деган, овоза ҳам тарқалган эди. Қаранг: Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. М.: Наука, 1964. Т. II (2). 382, 384–387-бетлар.

кейин ҳаракат қилган кўринади. Ҳақиқатдан ҳам Қутайбанинг ўлиmidан сўнг Ғурак Суғд подшоши сифатида Шарқий ва Ғарбий турклар (туркашлар) ҳамда Хитой ёрдамига суянган эди. Худди у каби Деваштич ҳам тахт даъвогари сифатида турклар ва хитойлар ёрдамидан умидвор эди. Айни пайтда Деваштич кўпроқ маҳаллий кучлар ва Турк ёки Турғаш хоқонлигига суяниб, тўғри позиция танлаган. Чунки Хитой императори араблар билан юзма-юз келишга ботина олмасди. Айни вақтда, шарқий ва ғарбий турклар ҳамда туркашларнинг минтақадаги мавқеи баланд эди. Қолаверса, Муғ архивининг А-9, В-17 ва В-18 ҳужжатларидаги²⁵ “чин (суп)дан келган чопар” келганлиги жумласи аслида Шарқий Турк хоқонлиги вакилига нисбатан қўлланилган.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, гарчи араблар Мовароуннаҳрда ҳарбий ҳаракатларини давом эттираётган бўлса-да, Марказий ва Ғарбий Суғднинг ҳамда Кумеднинг Хитой билан дипломатик алоқалари ҳали хануз сақланиб турганлигидан ва томонлар ўзаро элчилар алмашиш имконини сақланганлигидан далолат беради. Қолаверса, Ғурак ҳам, Туғшода ҳам, Кумед ҳокими Нурайanning мактублари дипломатик ёзишма сифатида ҳам аҳамият касб этиб, унда дипломатик этикет меъёрлари акс этган. Юборилган ва қабул қилинадиган совға-саломларнинг рўйхати аниқ кўрсатилган.

720-722 йилларга оид воқеалар баён этилган Муғ архивидаги 1.1 ҳужжатида араб кўмондонлардан бири Абдурахмон ибн Субҳ ал-Хараконийнинг Деваштичга мактуби саналади. Мактуб: “Яратилган борлиқни ўзида мужассам этган худо номи билан” – “pr n'm b'p d'mδ'nk". “Амир Абдурахмон ибн Субҳдан Суғд подшоши Самарканд ҳукмдори Деваштичга”, – деб расмий ҳужжатларга хос муқаддима билан бошланган. Унда араб тили В-12 ҳужжатида²⁶ Деваштичнинг амир Жарроҳ ибн Абдуллоҳга йўллаган мактубидаги мазмун акс этган. Яъни Деваштичнинг “Суғд подшоши ва Самарканд ҳоким”лигига даъвосини Тархуннинг фарзандларига оталиғи баҳонасида тан олгандек иш тутилади²⁷. 1.1 Ҳужжатда Деваштич вакиллари Нижитак ва вағнпат Кўрчи Харашийдан Субҳга мактуб келтиришгани маълум қилинган. Субҳ Деваштичга “Сен (амир Хараший) хат ёзган бир вақтингда, менга ҳам ўша киши (ко-тиб) ёрдамида хат ёзгин”, “...тез орада амирдан яна бошқа кўплаб буй-

²⁵ СДГМ II. 91-104-бетлар; 115-126-бетлар; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. 97-109; 126-136-бетлар.

²⁶ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Над арабскими рукописями. М. Л.: Наука, 1955. Т. I. 185-бет.

²⁷ Исхоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. 36-бет.

руқлар келади”, – деб огоҳлантиради. Бизнингча, Деваштичининг мақсади арабларга ён босиш эмас, фақат В-12 хужатида келтирилгандек, Тархуннинг Сулаймон Абу Сарий қўлида сакланаётган болаларини озод қилиб, уларнинг оталиғи – регенти сифатида тахтга бўлган даъвосини мустаҳкамлаш ҳисобланган.

Таҳлил этилган битим, хужжат ва мактублар матни ўша давр расмий хужжатларини ёзиш усули – дипломатик муншооти шаклида битилгани яққол кўриниб турибди. Уларда кириш қисми, баён ва якуний қисм бор.

Хулоса қилиб айтганда, араб истилоси давридаги дипломатик ёзишмалар, ўз моҳияти ва мазмунига кўра, бир-бирига яқин бўлиб, шартномаларда томонларнинг нотенг сулҳ битимлари акс этган бўлса, ички ва ташқи алоқаларга оид ёзишмаларда томонларнинг вазият хусусидаги тафсилотлари ва икки томоннинг ўзаро дипломатик муносабатлари намоян бўлган. Буларнинг барчаси илк ўрта асрлар даврида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишда муҳим ўрин тутadi.

А. ОТАХЎЖАЕВ

АРАБ ИСТИЛОСИ ДАВРИДАГИ РАСМІЙ ЁЗИШМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Мақолада, Араб халифалиғи истилоси давридаги расмий ёзишмалар уч турга: биринчиси, араб халифалигининг Хуросондаги ноиблари ва маҳаллий ҳукмдорлар ўртасида сулҳ битимлари ёки шартномалар; иккинчиси, истилога қарши кураш учун маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро ички ёзишмалари; учинчиси маҳаллий ҳукмдорларнинг ёрдам сўраб хорижга, жумладан Хитой императорига йўллаган мактабларига ажратилиб, таҳлил қилинди.

Қалит сўзлар: Араб истилоси, расмий ёзишмалар, сулҳ битимлар, “Самарқанд шартномаси”, мактублар, ноиблар, маҳаллий ҳукмдорлар, ихшид, бухорхудо, ихпехбод, Суғд, Самарқанд, Бухоро, Кеш.

А.АТАХОДЖАЕВ**АНАЛИЗ ОФИЦИАЛЬНОЙ ПЕРЕПИСКИ
ПЕРИОДА АРАБСКОГО ЗАВОЕВАНИЯ**

В статье анализируются три разновидности официальной переписки периода арабского завоевания: первая – это мирные соглашения и договора, подписанные между Хорасанскими наместниками Арабского халифата и местными правителями; вторая – внутренняя переписка местных правителей, которые боролись против завоевания; третья – письма местных правителей в которых они обращаются за помощью к зарубежным государствам, в том числе и к китайскому императору.

A. ATAKHODJAEV**THE OFFICIAL CORRESPONDENCES
IN THE PERIOD OF ARABIC CONQUEST**

This article analyses three types of the official correspondences in the period of Arabic conquest: first-peace treaties and agreements signed by Khorasan vicars of Arab Caliphate and local rulers; second-internal correspondences of local governors who fought against the conquest; third – the letters of local rulers in which they asked help of to foreign countries including the emperor of China.

Ўзбекистон тарихи хориж тадқиқотларида

ФРАНЦ ГРЕНЭ

ХОТЕЛ ЛИ ТАМЕРЛАН ЗАВОЕВАТЬ КИТАЙ?

Часто можно встретить утверждение, что последний военный проект Тамерлана состоял в том, чтобы завоевать или, по крайней мере, атаковать Минский Китай. Именно в этом заключалась цель стягивания большого количества вооруженных сил, которое Клавихо наблюдал в Самарканде в сентябре 1404 года, и именно так мотивировалось отбытие Тамерлана в военный поход в середине зимы на север его владений, поход, который был прерван его смертью в Отраре 19 января 1405 года.

Это понимание задач последней военной кампании Темура опирается на две категории источников. С одной стороны, это работы официальных историков (в частности, *Зафар-наме* Шараф ад-Дина Али Йазди), которые ясно указывают, что поход был направлен на завоевание «Катая и Китая» (общепринятые с XI века топонимы для обозначения Северного и Южного Китая), а также предполагал подчинение чагатайского ханства Моголистана (нынешний Кыргызстан и северный Синьцзян). С другой стороны, Клавихо сообщает об угрожающих словах произнесенных завоевателем в Самарканде в адрес послов «императора Катая», которые осмелились потребовать дань, неоплаченную в течение семи последних лет. Тамерлан, освобождая их от трудностей доставки этой дани своему хозяину, пригрозил сам доставить её по назначению – но на кончике своего копья¹.

Однако принимать эти утверждения буквально не имеет смысла. Еще Ренэ Груссе отмечал, что «Юнлэ, самый воинственный из императоров династии Мин, был бы серьезным противником»². И действительно, при чтении заявлений Тамерлана в *Зафар-наме* возникает определенный дискомфорт: за этими прокламациями не угадывается серьезных причин развязывания войны, за исключением одной цели – расширить периметр священной войны и уничтожить в Китае «храмы идолопоклонни-

¹ См.: López Estrada, F. Ruy González de Clavijo. Embajada a Tamorlán. Madrid: Editorial Castalia. López Estrada, 1999, P. 315; Мирокова И.С. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М.: Наука, 1990.

² Grousset R. L'Empire des Steppes. Paris: Payot, 1965.

